



SOCIAL AND NATIONAL ASPECTS OF WORKERS IN THE INDUSTRY OF UZBEKISTAN AND THE SOVIET "MOBILIZATION" POLICY

Dilafruz Abdimannobovna Iymanova

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

Acting Professor of the "University of economics and pedagogy"

private higher educational institution

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: industrialization, Stalinism, proletariat, leading personnel, working personnel, party, center, administrative-command system, social life, local personnel, employee, apparatus, communist ideology, communist morality, chauvinism, authoritarian regime, position, economic organizations, intelligentsia, localization.

Received: 19.03.26

Accepted: 20.03.26

Published: 21.03.26

Abstract: In this article, the formation of the workforce in the industry of Uzbekistan in 1925-1940, their social and national characteristics, as well as the essence of the "mobilization" policy implemented by the Soviet government, are analyzed on a scientific basis. The study highlights the mechanisms of centralized attraction of labor resources, planned distribution of labor, and ideological re-education of personnel in the process of industrialization. The article highlights the administrative and managerial essence of the Soviet "mobilization" policy, its social consequences and influence on the process of training national personnel, and substantiates the scientific and practical significance of this historical experience for modern personnel policy.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИДА ИШЧИ КАДРЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ВА МИЛЛИЙ ЖИХАТЛАРИ ҲАМДА СОВЕТ "САФАРБАРЛИК" СИЁСАТИ

Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова

Тарих фанлари номзоди, доцент.

University of economics and pedagogy НОТМнинг профессори в.б

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: саноатлаштириш, сталинизм, пролетариат, раҳбар кадрлар, ишчи кадрлар, партия, марказ, маъмурий-

Аннотация: Мазкур мақолада 1925–1940-йилларда Ўзбекистон саноатида ишчи кадрлар таркибининг шаклланиши,

буйрукбозлик, ижтимоий ҳаёт, маҳаллий кадр, ходим, аппарат, коммунистик мафкура, коммунистик ахлоқ, шовинизм, авторитар режим, лавозим, хўжалик ташкилотлари, зиёлилар, маҳаллийлаштириш.

уларнинг ижтимоий ва миллий хусусиятлари ҳамда совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган “сафарбарлик” сиёсатининг моҳияти илмий асосда таҳлил этилган. Тадқиқотда индустриаллашув жараёнида меҳнат ресурсларини марказлашган тарзда жалб этиш, ишчи кучини режали тақсимлаш ва кадрларни мафкуравий қайта тарбиялаш механизмлари ёритиб берилган. Мақолада совет “сафарбарлик” сиёсатининг маъмурий-бошқарув моҳияти, унинг ижтимоий оқибатлари ва миллий кадрлар тайёрлаш жараёнига кўрсатган таъсири ёритилиб, ушбу тарихий тажрибанинг замонавий кадрлар сиёсати учун илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган.

СОЦИАЛЬНЫЕ И НАЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РАБОЧИХ КАДРОВ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА И СОВЕТСКАЯ ПОЛИТИКА “МОБИЛИЗАЦИИ”

Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова

Кандидат исторических наук, доцент,

и.о. профессора университета “University of economics and pedagogy”

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: индустриализация, сталинизм, пролетариат, руководящие кадры, рабочие кадры, партия, центр, административно-командный, общественная жизнь, местные кадры, сотрудник, аппарат, коммунистическая идеология, коммунистическая мораль, шовинизм, авторитарный режим, должность, хозяйственные организации, интеллигенция, локализация.

Аннотация: В данной статье на научной основе анализируется формирование состава рабочих кадров в промышленности Узбекистана в 1925-1940 годах, их социальные и национальные особенности, а также сущность политики "мобилизации," проводимой советской властью. В исследовании освещены механизмы централизованного привлечения трудовых ресурсов, планомерного распределения рабочей силы и идеологического перевоспитания кадров в процессе индустриализации. В статье освещается административно-управленческая сущность советской политики "мобилизации," ее социальные последствия и влияние на процесс подготовки национальных кадров, обосновывается научно-практическое

значение этого исторического опыта для современной кадровой политики.

Кириш. Саноатлаштириш жараёни совет иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида жамият ижтимоий тузилмасида туб ўзгаришларни юзага келтирди. Айниқса, ишчилар синфининг шаклланиши, унинг ижтимоий таркиби ва миллий нисбатлари мазкур жараённинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлди. Ўзбекистон ССРда саноатлаштириш сиёсати амалга оширилиши натижасида ишчи кадрлар шакллантирилди. Шу нуқтаи назардан, саноатлаштириш даврида ишчилар синфининг социал ва миллий таркибида юзага келган номутаносибликлар ҳамда “сафарбарлик” сиёсатининг моҳиятини илмий асосда таҳлил қилиш мазкур бобнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Адабиётлар шарҳи: Мазкур тадқиқотни амалга ошириш жараёнида 1925–1940-йилларда Ўзбекистонда ишчи кадрлар муаммолари, халқ хўжалигида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш ва бошқа масалалар ўрганилади. Хусусан, А.Ахунова, Г.Шистер, Ш.Зиёмов, Ф.Х.Қосимов, К.О.Оқиловлар 1925-1941 йилларда республикада амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларда халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, кадрларга бўлган эҳтиёжнинг икки томондан, яъни собиқ СССРнинг марказий туманларидан юборилган малакали ишчи ва техник кадрлар, иккинчи томондан эса турли махсус курсларда маҳаллий миллат вакиллари ўқитиш орқали бирмунча кадрлар эҳтиёжи кондирилганлигини ёритади.

Шунингдек, мустақиллик даврида олиб борилган илмий тадқиқотлар мазкур муаммони комплекс тарзда ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Р.Муртазаева, А.Голованов, Я.А.Абдуллаева, Р.Базарбаев, С.Турсунов, С.Шодмонова, Д.А.Ийманова каби олим ва олималарнинг ишларида Ўзбекистонда совет бошқарув тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, унинг мафкуравий асослари ҳамда марказлашган ҳокимият механизмининг моҳияти илмий таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги бошқарув тизими, кадрлар салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўрсатган таъсирини очиб бериш бугунги тарихшунослик олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Муҳокама ва натижалар. Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейин 1925 йил декабрда ВКП (б) XIV съезди “социалистик индустриаллаштириш” йўлини авж олдиришни эълон қилди. И.В.Сталин “... ҳақиқий саноатлаштириш учун оғир саноат соҳаларини, ишлаб чиқариш маҳсулотларини, биринчи ўринда машинасозликни ривожлантиришдан иборат[1]”, эканлигини таъкидлаб, иттифоқ бўйлаб оғир саноатнинг турли тармоқларини

яратишга эътибор қаратилди. Бир вақтнинг ўзида марказ томонидан республика иқтисодиётини марказлаштириш борасида муайян ишлар ҳам амалга оширилиб борилди.

Мамлакатни жадал индустрлаштириш учун маблағ масаласи кескин мунозараларга сабаб бўлди. Саноатлаштиришни жадаллаштириш тарафдорлари маблағни қишлоқ хўжалиги ҳисобидан олиш режасини илгари сурдилар, муҳолиф тараф эса, саноатлаштириш сиёсатини ёқлагани ҳолда уни аҳолининг моддий аҳволи, турмуш шароитини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни аста-секин ихтиёрий равишда амалга ошириш билан биргаликда олиб боришни таклиф қилди[2]. Кескин сиёсий баҳс мунозаралардан кейин маблағни аграр сектордан олишга қарор қилинди. Ўзбекистон иқтисодиёти бу даврда аграр характерда эди.

Марказлаштириш сиёсати иқтисодий имкониятларни ҳисобга олишга ҳалақит бериб, бирёқлама иқтисодий мажмуаларни вужудга келтириш учун имкон яратиб берди. Ўша пайтдаги иқтисодий масалалар бўйича мутахассис бўлган И.Крильцов, “Масала тўғридан-тўғри миллий чегараланиш қондасига кўра янгидан барпо этилаётган алоҳида давлатларнинг иқтисодий характериға чамбарчас боғлиқ тарзда ҳал этилган эди” [3], деб изоҳ беради. Маъмурият “Ўзбекистон фақат деҳқончилик республикаси, Қорақирғизистон (Қирғизистон)- деҳқончилик-чорвачилик республикаси, Туркменистон- виночилик-чорвачилик республикаси ва Қирғизистон (Қозоғистон)- чорвачилик республикаси бўлади”, -деб қарор қабул қилишган эди[4]. Тадқиқ этилаётган йилларда совет ҳукумати сиёсий ва иқтисодий мавқени мустаҳкамлаш учун барча имкониятларини ишга солди. 1925-1940 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган саноатлаштириш сиёсати совет ҳукумати ва компартиянинг шовинистик, мустамлакачилик сиёсатининг таркибий ажралмас қисми бўлди. Саноат соҳасининг юрисдикциясига иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика халқ комиссарликлари кирган эди[5].

Ўзбекистонда саноатлаштиришни амалга ошириш сиёсатининг энг муҳим йўналиши қуйидаги вазифаларга қаратилган эди:

- Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш;
- Халқ хўжалиги тараққиётида иттифоқга нисбатан бир қадар тезликка эришиш;
- Ўзбекистон ССРни барча чоралар билан индустрлаштириш;
- Саноатлаштириш давомида аҳолининг маданий савиясини кўтариш;
- Ўзбекистон ССР халқ хўжалигида социалистик тармоқ салмоғини муттасил равишда

ошириш[6].

Саноатлаштириш марказнинг комплекс дастури бўлиб, республика иқтисодиётида янги соҳаларни ва йирик саноат марказларини вужудга келтириш, малакали ишчи кадрларни тайёрлаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишни қамраб олган эди.

И.В.Сталин, “Янги мутахассисларни, саноат, хўжалик кадрларини етиштирмай туриб, социалистик индустриялашнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш мумкин эмас. Ишчилар билан совет интеллигенцияси қаторларидан индустрияни қурувчи кўп сонли кадрларни етиштириш лозим. Социалистик индустриялаш вазифалари ишчи синфининг фаоллиги кучайиши натижасида амалга ошириш мумкин. Ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқини янада мустаҳкамлаш зарурдир” [7]. И.В. Сталин томонидан илгари сурилган мазкур қарашлар саноат ва хўжалик соҳалари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, ишчилар ва совет интеллигенцияси асосида янги кадрлар корпусини шакллантириш давлат тараққиётининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Шу билан бирга, ишчи синфи фаоллигини ошириш ҳамда уни деҳқонлар билан ижтимоий-сиёсий иттифоқ асосида бирлаштириш социалистик индустриялашнинг ижтимоий таянчи сифатида талқин қилинган. Натижада кадрлар тайёрлаш сиёсати иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим инструментига айлантирилди. “Кадрларни тайёрлашда фақат Ўзбекистонлик мутахассисларни эмас, балки марказдан ишчилар, батрак, камбағал аҳолини жўнатиш асосий масала ҳисобланди” [8].

Ўзбекистон компартиясининг III съездида (1927 йил ноябрда) Ўзбекистон ССРни саноатлаштиришдан асосий мақсад, бир тарафдан саноат объектларини бевосита қуриш эҳтиёжи бўлса, иккинчи тарафдан СССРнинг саноатлаштириш жараёнида фаол иштирок этишидан иборатлиги белгиланди[9]. Ўзбекистон саноати учун бутун Ўрта Осиё республикаларига мўлжалланган маблағнинг катта қисми ажратилди. Агар буни 100% деб оладиган бўлсак, шундан 1925-1928 йиллар мобайнида Ўзбекистон-56%, Туркменистон-28%, Қирғизистон-14%, Тожикистон-25% улушни олган[10].

Саноатлаштириш жараёнининг илк босқичларида ташкил этилган ишлаб чиқариш кенгашлари ҳамда махсус комиссиялар ишчиларнинг корхоналар фаолиятига нисбатан давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашувини шакллантиришда муҳим вазифасини бажарди. Мазкур тузилмалар орқали ишчилар ишлаб чиқаришни режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолаш жараёнларига жалб этилиб, уларнинг маъмурий-бошқарув тажрибаси босқичма-босқич ривожлантирилди. Натижада ушбу кенгаш ва комиссиялар ишчи

кадрларнинг сиёсий-иқтисодий тафаккурини шакллантиришга хизмат қилган амалий тайёргарлик мактаби сифатида намоён бўлди[11].

СССРда ягона хўжалик комплекси ғояси илгари сурилди. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг ривожлантириш масаласини Москва марказдан туриб бошқарадиган бўлди. Бу тараққиёт йўналиши “сталинча беш йилликлар” директиваларида ўз аксини топди. Россиянинг ўзида Украина, Белоруссия ва бошқа республикаларда оғир саноат корхоналарини қуришга асосий эътибор қаратган бўлса, Ўзбекистонда дастлаб пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари аҳолининг яшаш ва турмуш кечириш билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳоказолар ишлаб чиқарадиган енгил саноат корхоналари бунёд этилди[12]. Саноатнинг ўсиши ҳам секинлик билан кўзга ташланиб борди. 1925 йилда 118 корхона 21 саноат тармоғига, 1928 йилга келиб 166 корхона 35 саноат тармоғига бўлинди. Ундан 13 таси пахта тозалаш саноатига тўғри келди. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш бўйича кенг кўламли ишлардан сунъий ўғит ишлаб чиқариш учун Чирчиқ дарёсида боғланган азот ишлаб чиқарувчи завод қурилиши режалаштирилди, унинг қиймати қарийб 100 млн. рубл бўлган[13]. Ўлкада саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган муайян корхоналар ташкил этиб борилди, бюджетдан маблағлар ажратилди, шу жумладан, марказ саноат туманларининг ёрдами билан ишчилар синфини таркиб топтириш ҳаракатлари амалга оширилди[14]. Биринчи беш йиллик режалари тузилаётган пайтда Ўзбекистондаги саноат корхоналари қурилишига 173 млн. рубль кейинроқ 226 млн рубль ажратилган, ниҳоят саноатга бўлган талабдан келиб чиқиб жами 350 млн. рубль талаб қилинган. Натижада Ўзбекистон ҳам иттифоқдош республикалар сингари саноатлашган, лекин хом ашё етиштиришга ихтисослашган республикалар қаторига кириб борди.

Ўзбекистонда саноатлаштиришнинг дастлабки йилларида аҳолининг маданий-техник даражасининг пастлиги, маҳаллий миллат вакилларида ишчи, муҳандис-техник кадрларнинг етарли даражада эмаслиги кўринган. Бу ҳолат РСФСРдан келган ишчилар ҳисобига ҳам тўлдирилди. Бу омилларни билган ҳолда марказ ва коммунистик партия дастлабки йиллардан оқ ишчилар синфи етишмаслигидан унумли фойдаланишга, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ва турли ҳудудларда уни марказ манфаатларига мос равишда тақсимлашга ўзининг асосий эътиборини қаратди. Шунингдек, Ўзбекистонда янги саноат қурилишларини амалга оширишда маҳаллий аҳоли ҳисобига ишчилар синфини тўлдириш “мумкин эмас”лигини эътироф этиб, иттифоқнинг аҳолиси зич ҳудудларидан, марказий районлардан республикага ишчиларни юбориш мўлжалланган. Умумдавлат

масштабларида, Ўрта Осиё худудларида меҳнат ресурсарини режали ташкилий жиҳатдан тақсимлаш халқ хўжалигини тиклаш йилларида миграцион оқимнинг сезиларли даражада ўсишига сабаб бўлди. Умуман, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ишчи кучи билан таъминлашда асосий манба шаҳар ва қишлоқ ишсизлари ҳисобига ҳам тўлдирилди. 1926-1927 йилларда Ўзбекистонда ишсизлар сони тахминан 25 мингга етган. 1926 йил 1-октябр маълумотиغا кўра қайд қилинган ишсизлар 15743 киши бўлган[15]. Ўзбекистон ССР МХКнинг маълумотларига кўра эса ишсизлар сони 1926 йил 1 октябрда 20356, 1927 йил 1 январда 25633, 1 апрелда 30398, 1 июлда 24576, 1 октябрда 27928 кишини ташкил этди[16]. Натижада 1928 йилга келиб ишсизлик миқдори ўсиб кетди. У иккита муҳим асосий сабаб-қишлоқ аҳолисининг янада кўпроқ саноат, савдо, хунармандчилик саноат кооперацияларига ўтиши ва иттифоқнинг Европа қисмидаги ишсизларнинг кўплаб оқиб келишида намоён бўлди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бу йилларда ишсизлар сони 75-85 минг кишини ташкил этди[17]. Ишсизларнинг умумий сонидagi европаликларнинг миқдори доимий равишда пасайиб борган. Шу билан бирга, маҳаллий аҳоли орасидан рўйхатга олинган ишсизлар улуши ортиб борганлиги кўринадиганлиги[18]. Ишсизликнинг ўсиши малакасиз ишчилар ҳисобидан ҳам бўлди. Республикада ишсизлар сони ана шундай кўп бўлган бир шароитда иш кучининг тўхтовсиз четдан кириб келиши давом этаверди. Бу борада ХКС раиси Ф.Хўжаевнинг маърузаларида, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо сотиқ ривожлансада ишсизлик авж олишининг сабаби, импорт қилинган ҳамда эски шаҳарлардан келган ишсизлар эди. Уларнинг кўплари касиблар, хунармандлар ва энди ишчилар сафига кираётган ишсизлар эканлигини ишсизликнинг олдини олиш чоралари ҳали ишлаб чиқилмаганлигини кўп маротаба таъкидланади. Ишсизларга ажратилган ёрдам пули 1926-1927 йилда 1.379 минг 1927-28 йилда 2659 минг, 1929 йилда 4360 минг рублни ташкил этган[19]. Мазкур даврда ишсизлик асосан хотин-қизлар орасида кўпчиликни ташкил этди. Шу даврда ҳар мингга ишлаётган суғурта қилинган аёлларга ўртача 537 нафар ишсиз аёллар тўғри келар эди.

Ўзбекистонда металл саноати билан бир қаторда хунармандчилик саноати ҳам сезиларли даражада ривожланди, хунармандларнинг асосий ясайдиган буюмлари: кетмон, ўрок, болта, тақа, қумғон ва бошқалар эди[20]. Шаҳарларда хунармандларнинг аҳволи оғир бўлган. Кичик кўл меҳнатига асосланган корхоналарининг мажбурий ихтиёрий равишда давлат тасарруфига ўтказилиши, кооперация уюшмаларининг вужудга келиши оқибатида, хом ашёни давлатдан олган ҳамда тайёр маҳсулотларини давлатга топширишлари шарт бўлганлигидан хунармандларга кам фойда қолар, бу эса кўпгина хунармандларнинг

қишлоқларга кетиб батраклик қилишларига сабаб бўлди. Жамиятда ишчилар синфининг сиёсий ва моддий ҳолатини мустаҳкамлашга эътибор қаратган ҳолда, совет давлати бир вақтнинг ўзида муайян мулкка эга бўлган ва аввалги ижтимоий тузумнинг асосий иқтисодий таянчини ташкил этган айрим аҳоли қатламларига нисбатан иқтисодий зарба берувчи тадбирлар ҳам амалга оширди. Ишчилар синфи ҳукмронлиги қатъий ўрнатилгандан кейин юқоридаги табақа вакилларига жамиятнинг янги тузилмасидан ўрин берилмаган яъни улар йўқ қилиниши керак бўлган. Совет ҳокимияти йирик, ўрта ва майда мулкдорларнинг мулкни ҳам оммавий тарзда мажбурий усулда давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилиш ишларини амалга оширди.

Ўзбекистон Компартиясининг III съездида (1927 йил 16-24 ноябрь)да Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши масалаларига тўхталган миллий раҳбар-ҳодимлардан бири Абдурахим Ҳожибоев шундай деган эди: “Бизнинг Ўрта Осиё республикаларимиз иттифок учун хом ашё базаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Агар биз саноатни индустриал ривожланиш масаласини қўйсак, аввало, хом ашёни қайта ишлайдиган ва бизнинг ички имкониятларимиздан фойдаланадиган йўналишга асосий эътибор берилади. Аммо бу Ўзбекистонда енгил саноатни ташкил этиш, тўқимачилик фабрикалари қурилишини кенгайтириш масаласини қўймаслик дегани эмас” [21]. Бу съездда Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кўлами борасида кўплаб фикрлар билдирилди.

Марказдан Ўзбекистонга доимий яшаш учун ишчилар ва мутахассисларнинг катта гуруҳлари мунтазам равишда юборилиб турилган. Улар саноат қурилишини авж олдиришга, республика ишчилар синфи гуруҳини шакллантиришга ёрдам бериши лозим эди. Шу баҳона ишчилар, муҳандис-техник ходимлар Россиянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилди. Чирчиқ электрокимё комбинатини қуриш учун Москва, Ленинград, Свердловск, Донбасс, Киев, Баку, Минскдан 170 дан ортиқ корхоналар жамоалари иштирок этди [22]. Иттифокдан юборилган ишчилардан маҳаллий мутахассис кадрларни тайёрлашда фойдаланилди.

Иттифок томонидан саноатлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши республикада кўплаб янги саноат марказларининг пайдо бўлишига, ягона иқтисодий маконга кириб боришига, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги аҳолининг тақсимланиши, шаҳар аҳолисининг таркиби ўзгариши, ишчилар синфининг ўсишига имкон берди. Ишчилар синфи совет ҳукуматининг асосий ижтимоий кучи бўлди. Барча республикалар миграциясида ишчилар сонининг ортиб бориши катта аҳамиятга эга бўлди. Республикалараро миграция фақатгина сонда эмас, ишчилар синфининг ўсишига сабаб бўлди. Саноатнинг ривожланиши ишчилар

синфининг ўсишига сабаб бўлсада, малакали мутахассис кадрларнинг танқислиги сезилган. Таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари ва тарбиявий ишлар, таълим дарсликлари ўта даражада сиёсийлаштирилиб юборилиб, халқни асрий маданий меросдан узоқлаштиришга қаратилган эди. Бундай ўқитиш услуби, совет сиёсий раҳбарияти тизгинидан чиқмайдиган ижрочи кадрларни етиштириш тамойилларига асосланган эди[23].

1925/1926 йилда ишчилар сони 11900 кишига етди[24]. Улардан 29,3 %ини маҳаллий миллатларнинг вакиллари ташкил этарди[25]. Ўзбекистон халқ хўжалигида жами ишчи ва меҳнаткашлар 1926 йилда 148 минг кишини ташкил этган бўлса, 1928 йилда 173 минг кишига етди[26]. Серго Орджоникидзе 1927 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ВКП (б) нинг XV қурултойида сўзлаган нутқида Ўзбекистондаги Шўро ҳокимияти бошқарув апаратининг 61,9 фоизини руслар, фақат 24,7 фоизини ерли миллат вакиллари ташкил этганлигини тан олиб айтган эди. 1927 йилда Ўзбекистон ҳудудидаги саноат корхоналари асосан енгил саноат корхоналари бўлиб, 39 таси пахта тозалаш заводлари, 35 таси озиқ-овқат корхоналарида жами 87 минг ишчи ишлаган. Тошкентнинг “Красно Восточный” туманида жойлашган 5 та корхонадаги 2438 ишчидан маҳаллий ишчилар 5 фоизни ташкил қиларди[27]. Ишчиларнинг иш ҳақларини қониқарли муносиб даражада деб бўлмасди. 1927 йилда цемент заводининг оддий ишчиси 51 рубль 50 тийин, тикувчилик фабрикаси ишчиси 40 рубль 51 тийин маош олган[28]. Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ССР саноатида маҳаллий миллат вакилларининг иштироки нисбатан паст даражада сақланиб қолган. Саноат корхоналари сонининг ўсишига қарамасдан, ишчи ўзбеклар улушининг секин ортиши ишчи кадрларни шакллантириш жараёнида марказдан келтирилган мутахассисларга устуворлик берилганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, раҳбарлик ва мутахассис лавозимларида асосан европа миллатларига мансуб кадрларнинг устун мавқега эга бўлиши маҳаллий аҳолининг касбий ривожланиш имкониятларини чеклаб қўйган. Иш ҳақининг паст даражада сақланиши эса ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси етарли даражада таъминланмаганини кўрсатиб, саноатлаштириш жараёнида ижтимоий номуносибликлар мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Саноатнинг ривожланиши ишчилар синфининг тезлик билан ўсишига сабаб бўлсада, малакали мутахассис кадрларнинг танқислиги сезилган[29]. Масалан, йирик саноатда ишчилар синфининг сони биринчи 5 йилликдаги 17,9 мингдан 62,4 минг кишига етди ёки 3,5 баравар ортди. Жумладан, Акмал Икромов 1927 йил 16-26 ноябрда Самарқандда ЎзКП (б)нинг қурултойида МҚнинг ҳисоботи юзасидан сўзлаган нутқида кўрсатилишича, туб жой миллат вакиллари бўлган ишчилар 1926 йилдаги 38,4 фоиздан 1927-йилда 37,4 фоизга

камайган[30]. 1929-1930 йиллардаги ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ҳисоботларига кўра малакали саноат мутахассисларининг мавжуд 67 минг бўш ўрнига 38,7 минг нафар кишини марказий ҳудудлардан чақиришга қарор қилинди[31]. Саноат корхоналарида кадрлар билан таъминлаш жараёнида марказий ҳудудлардан келтирилган европа миллатларига мансуб ишчиларга устуворлик берилгани маҳаллий аҳоли вакилларининг ишлаб чиқаришдаги иштирокини чеклаб қўйди. Маҳаллий ишчиларнинг асосан оғир жисмоний меҳнатга жалб этилиши уларнинг касбий ўсиш ва ижтимоий мақомини ошириш имкониятларини камайтирди. Натижада саноат меҳнати маҳаллий хунармандлар, косиблар ва деҳқонлар учун жозибадорлигини йўқотиб, республикада маҳаллий миллат вакиллари орасида ишчилар синфининг шаклланиши секинлашди.

ВКП (б) МК 1928 йил апрель ва июль ойларида ҳамда 1929 ноябрь ойида бўлиб ўтган пленумларда кадрлар масаласини муҳокама қилди. Социалистик саноат учун ишчи, деҳқонлардан илмий-техника интеллигенцияси ва раҳбар кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилган эди[32]. Марказ томонидан халқларга нисбатан “саводсизликни тугатишга ҳаракат қилиш” сиёсати мамлакат манфаатларига хизмат қилувчи кадрлар масаласи билан ҳам боғлиқ эди[33]. Бу эса, кейинчалик кадрларни тайёрлашда синфий жиҳатдан ишончли, аҳолининг “меҳнаткаш” табақаларидан чиққан кишиларни раҳбарликка танлаб олиш керак, деган ғоянинг илгари сурилишига олиб келди. Илғор ишчиларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш касаба уюшмалари, комсомол ташкилотлар томонидан кенг равишда олиб борилди.

Биринчи беш йиллик даврида (1928-1932 йилларда) Ўзбекистонда 289 та саноат корхонаси қурилди ва ишга туширилди. 79 та корхона қайта ташкил этилди, саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 3 баравар, нефть қазиб чиқариш 2,5 баравар, металл ишлаш саноати маҳсулотлари 6 бараварга ошди. Енгил саноатнинг кўнчилик, пойабзал ишлаб чиқариш, тикувчилик соҳалари ва ип газлама ишлаб чиқариш суръатлари муттасил ошиб борди[34]. Ана шу даврда Ўрта Осиёда пахтачилик машинасозлик саноатининг тўнғичи бўлган “Ташсельмаш” ва Қувасой цемент заводи барпо этилди[35]. “Чирчиққурилиш”, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши тез суръатлар билан олиб борилди. Саноатнинг ривожлантирилиши энергетика базасини кенгайтиришни талаб қиларди. Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва бошқалар жойларда янги электр станциялари қурилди. 1932 йилда барча электр станцияларининг сони 1928 йилдаги 16 та ўрнига 49 тага етди, электр қуввати ишлаб чиқариш эса 7 баравардан зиёдрок ошди. Фарғона тўқимачилик фабрикаси ва ёғ заводи, Бухоро, Тошкент ва бошқалар шаҳарларда тикувчилик

фабрикалари ишга туширилди. Иқтисодиёт хом ашё йўналишида бўлганлиги сабабли Ўзбекистон саноати фақат бир томонлама ихтисослаштирилаётган эди: унинг 2/3 қисмига яқини пахта тозалаш саноати ҳиссасига тўғри келарди. Ишчилар синфи совет ҳукуматининг асосий ижтимоий кучи эди. Ўзбекистонда саноат корхоналарининг техник даражалари ҳаддан ташқари паст, муҳандислар, техниклар, замонавий техникани биладиган малакали ишчилар етишмас эди. Россиядан кўплаб саноат мутахассислари кела бошлади. Москва, Ленинград, Иваново, Серпуха ва бошқа Россиянинг шаҳарларидаги етакчи корхоналардан келган ишчилар Ўзбекистонда енгил саноатни техник жиҳозлаш, маҳаллий кадрларни тайёрлашда ҳам ёрдам кўрсатдилар. Бу фаолиятнинг асосий шакллари қуйидагилар эди: маҳаллий ишчи кадрларни россиялик тажрибали инструкторлар орқали ўқитиш, гуруҳли ва якка тарзда ўқитишда Россиядан келган ишчиларни иштирокини таъминлаш, орқада қолаётган ишчиларни оталиққа олиш тажрибаси, Россия марказий шаҳарларида ёш ишчиларни ўқитиш тажрибасини ўргатувчи мактаб-техникум ва тўғаракларни ташкил этилди. Ҳаммаси бўлиб 1925-1930 йилларда Ўзбекистон енгил саноати учун Россия ишлаб чиқариш марказлари базасида 10 мингга яқин малакали ишчилар тайёрланди[36]. Республикада ишчилар синфи социалистик тамойиллар асосида шакллантирилган бўлса-да, унинг ижтимоий таркиби бир хил эмас эди. Хусусан, малака даражасига кўра ишчиларнинг табақаланиши маҳаллий аҳоли вакилларининг меҳнат шароити, моддий таъминоти ва ижтимоий имкониятларини европа миллатларига мансуб ишчиларга нисбатан анча чеклаб қўйди. Натижада ишчилар синфи ичида ижтимоий номуносибликлар сақланиб қолди.

Зиёлилар табақаси ичида ҳам мураккаб трансформацион жараёнлар юзага келган эди. Ишчилар синфининг яккахуқумронлигига асосланган давлат томонидан ушбу соҳага ҳам синфий тус берган ҳолда фақат ишчилар ва камбағал деҳқон вакилларида иборат пролетар зиёлилари табақасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. “Буржуа зиёлилари” табақасига тўхталадиган бўлсак, уларнинг тақдирида ҳам маҳаллий аҳолининг анъанавий ижтимоий қатлами бўлган хунармандлар, косиблар ва савдогарлар қисмати тақдорланган. Зиёлилар табақаси ичида маданият соҳаси вакиллари энг кўпчиликини-40%, техник зиёлилар-22%, маъмурий соҳа зиёлилари-20%, тиббий соҳа зиёлилари-13%ни ташкил этган[37]. Республикада маъмурий бошқарувчи шахсларни тайёрлаш сиёсатининг ечими ушбу зиёлилар гуруҳининг миллий таркиби ва маълумоти билан ифодаланган. 1939 йилда маъмурий соҳа зиёлилари ичида ўзеклар 70%ни ташкил этган бўлсада, уларнинг атиги 19 фоизи совет таълимини олган маълумотлилар ҳисобланиб, қолганлари асосан паст мансаблардан юқорига кўтарилган кишилар эди[38].

1926-1940 йилларда Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10%дан ортиқроқ кўпайди. Марказнинг русийзабон аҳолининг кўчириб келтиришда миллий ўлкаларда ўзининг таянч ижтимоий қатламини вужудга келтириш ҳамда руслаштириш сиёсатини амалга ошириш манфаати асосий ўринда ётар эди[39]. Иттифокнинг марказий шаҳарларидан тинимсиз ишчилар жўнатилиши оқибатида республикада саноатга мос тушадиган кадрлар тайёрлашга унчалик эътибор берилмади. Маҳаллий аҳоли қишлоқ хўжалиги ишларига кенг жалб этилди. Шунингдек, ишчиларни тўғри танлай олмаслик ҳам салбий оқибатларга олиб келган.

1928 йили Тошкент округининг совет аппарати ва саноатни миллийлаштириш масаласи бўйича 2-ўлка конференцияси бўлиб ўтди. Унга совет давлат қурилишига меҳнаткашларни жалб қилиш борасида маҳаллий миллат вакилларида пролетар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг совет жамоатчилиқ ташкилотларида маҳаллий аҳоли манфаатларига хизмат қилишига эришилганлиги таъкидланди. Бу билан бир қаторда партия конференциясида саноат ва ташкилотларни маҳаллийлаштириш бўйича амалий ишларда айрим камчиликлар борлиги ҳам таъкидланган. Жумладан, а) совет аппаратида маҳаллий миллат ишчиларини жалб қилиш етарли эмаслиги; б) маҳаллий аҳоли орасида кўп ишсизлик мавжудлиги шароитида маҳаллий ишсизларнинг режали ҳисоби олиб борилмаганлиги; в) совет аппарати ва саноатида хизмат қиладиган маҳаллий аҳоли ва уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи ишчилар малакасини ошириш масаласига айрим ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлари томонидан етарли эътибор қаратилмаганлиги; г) маҳаллий аҳоли орасида малакали мутахассис ишчи кадрлар (агроном, врач, инженер, юрист консультантлар) мавжуд эмаслиги ҳамда малакали ишчи кадрлар жуда камлиги кўрсатиб ўтилган[40]. Сиёсий, хўжалик-техник ишлар кадрлар томонидан ҳақиқий маънода ҳали олиб борилмаганлиги, кадрларнинг етарли даражада большевик ғояларга эга эмасликлари, корхоналар ишининг қониқарсиз бўлишининг асосий сабабларидан эканлиги архив ҳужжатларида кўрсатилган. Маъмурият бизнинг кадрлар -раҳбарлик лавозимларини ўзлари учун деб билдилар[41], деб таъкидлаган. Ф.Хўжаев Ўзбекистон инженер-техник ходимларининг 11 съезида (1928 йил 11 июль) шундай деганди: “Саноатнинг айрим раҳбарлари ёшлардан чиққан кадрларни раҳбарлик лавозимларга кўтарилишларига тўғанок бўлмақдалар” [42]. Бунга масъул бўлган мутасадди раҳбарлар ҳам ишга панжа орасидан қараганлигини архив ҳужжатлари мисолида кўриш мумкин. Маҳаллийлаштириш ишлари етарлича назорат қилинмаганлиги ва баъзи европа миллатига мансуб раҳбарларнинг эътиборсизлигини оқлаш мақсадида Россия коммунистлар партияси Ўрта Осиё бюросининг

бошлиғи Зеленский шундай деган эди: “Кўп ўртоқлар маҳаллийлаштириш деганда бутун идора ишларини ерли халққа топшириш деб, ёки уларни ҳукумат аппаратида миқдорига муносиб суратда қатнашишлари деб англайдилар. Бу усулда маъно бериш миллий шовинизм кўринишидан бошқа нарса эмас. Маҳаллийлаштириш ҳукумат аппаратини ерли халқ манфаатига яқинлаштиришдан бошқа нарса эмас. Бу яқинлаштиришга руслар томонидан ерли халқ тилини ўрганиш билан ҳам эришиш мумкин” [43]. Масалан, 1930 йилда Тошкент вилояти касаба уюшмалари совет, хўжалик, кооператив бошқарув ишларига 206 ишчини раҳбарлик лавозимларига кўтарди. Шулардан, 185 таси хўжалик ишларига кўтарилди. Бироқ улар орасида маҳаллий миллат вакиллари кўп эмас эди[44]. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган миллий сиёсатида янги ҳисобланган давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласи ҳам большевиклар фойдасига хизмат қилиши белгиланган эди. Марказнинг бу усули Ўзбекистоннинг бутун совет даври тарихида муттасил равишда давом эттирилди[45]. 1930 йилда ЎзССР МИҚда ишлайдиган 97 кишидан 43 таси маҳаллий миллат вакиллари эди. Ўзбек таъминот трести ходимларининг барчаси европа миллатига мансуб кишилар бўлган[46]. Кадрлар сиёсатида марказий ҳокимият томонидан сиёсий ишонччилик мезонига устувор аҳамият берилгани маҳаллий миллат вакилларининг раҳбарлик лавозимларига кўтарилиш имкониятларини чеклаб қўйди. Давлат бошқарув аппаратида асосан марказдан келган кадрларнинг устун мавқега эга бўлиши республикада марказ манфаатларини ҳимоя қилувчи маъмурий қатламнинг шаклланишига олиб келди. Шу билан бирга, ишчи кадрларни тайёрлаш курслари орқали маҳаллий аҳолининг меҳнат ресурслари сифатида сафарбар этилиши устувор йўналишга айлантирилиб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини мустақил равишда ривожлантириш имкониятлари чекланди. Натижада совет ҳокимияти раҳбар элитани эмас, балки ижро этувчи ишчи қатламни кенгайтириш орқали бошқарув тизимидаги назоратни мустаҳкамлашга интилди.

Биринчи беш йиллик даврида ишчиларнинг номинал иш ҳақи ошган бўлса-да, инфляциянинг юқори суръатлари ва товарлар нархининг кескин қимматлашуви натижасида реал даромадлар сезиларли даражада пасайди. Масалан, 1930 йилда ишчиларнинг маоши 87 рублгача кўтарилди[47]. Лекин ишчилар иш ҳақи ошиб боргани билан пулнинг қадрсизланиши юқори даражада бўлган. Озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат нархи ўнларча баробар ортган[48]. Биринчи беш йиллик (1928-йил октябрь-1932 йил декабрь) охирига келиб, ишчилар ва хизматчиларга тўланадиган реал иш ҳақи камида 20%га пасайди. 1932 йилда ишчилар нафақасининг ўртача миқдори 32,9 рублни ташкил этди[49].

Бу ҳолатдаги маош миқдори инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини қоплашга мутлақо етмас эди. Бунинг устига жамиятнинг кўпгина қатламлари нафақа олиш ҳуқуқидан амалда фойдаланмас яъни маҳрум эди. 1932 йилда саноат ишчилари таркиби қишлоқ аҳолиси ҳисобига 32,2%, шаҳар аҳолиси вакиллари, асосан хотин-қизлар ҳисобига 21,3%, хунарманд ва касиблар ҳисобига 6,5% кўпайган[50]. Бу йилларда ишчиларга уй-жой муаммоси жадал саноат қурилиши туфайли янада чуқурлашди. Ишчи-хизматчиларнинг аксарият қисми зич тарзда коммунал-маиший қулайликлар йўқ бўлган шароитда яшашга мажбур бўлдилар. Иш ҳақи ва ижтимоий таъминотнинг етарли даражада таъминланмаслиги ишчиларнинг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг меҳнатга бўлган қизиқиши ва касбий ривожланиш имкониятларини чеклади.

Саноат учун ишчи кадрларни тайёрлаш ишлари фабрика- заводлардаги шогирдлик, ишсизларни талаб қилинаётган касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар учун мактаб ва махсус курс кабиларни ташкиллаштириш орқали ҳам амалга оширилди. Ишчилар синфини тўлдиришнинг асосий манбалари – ишсизлар, деҳқонлар, уй бекалари бўлган аёллар, ёшлар ҳам бўлган. Саноат ишлаб чиқаришни бошқаришга ишчилар синфининг вакиллари жалб этишда меҳнат мусобақаси ҳам маълум даражада ижобий аҳамиятга эга бўлган. Мусобақани ташкил этиш, илғор тажрибани ёйиш ишлаб чиқаришни бошқаришга ишчиларнинг кенг оммасини жалб этиш имконини берди. Ўзбекистон ҳукумати айниқса маҳаллий миллат ишчиларини меҳнат мусобақаларига кенг жалб этиш борасида тадбирлар ўтказилган. Мусобақа якунларини кўриб чиқиш ва зарбдор ишчиларни янги лавозимларга кўтариш, ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилишларида, касаба уюшмаларида кўриб чиқиларди. 1931 йилга келиб, барча ишчиларнинг 60%дан ортиғи социалистик мусобақага жалб қилинди, меҳнаткаш оммани социалистик қурилиш режаларини амалга ошириш учун фаоллаштиришнинг асосий дастаги бўлди[51]. Раҳбарликка кўтарилганларнинг Ўрта Осиё слёти 1931 йил 1 январгача раҳбар маъмурий-хўжалик ишига ва совет аппаратига 1000 зарбдор ишчини, жумладан, Ўзбекистондан 660 кишини лавозимларга кўтариш тўғрисида қарор қабул қилди[52]. Ана шу миқдордан, тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда 1930 йилдан 1931 йилнинг июлига 476 киши кўтарилган эди[53]. 1931 йилнинг 1 январидagi маълумотларга кўра Ўзбекистон республикаси ВСНХ га қарашли саноат корхоналарида 198 киши раҳбар лавозимларида ишлаган бўлса, шулардан, 78 киши инженер-техник вазифасида, 20 киши маъмурий-хўжалик лавозимларида бўлган. Ўзбекистон темир йўл тармоқларида 1931 йилда маҳаллий миллат вакилларида ишчилар сони 17 фоизга тенг эди[54]. Ишчилар синфи сафидан

саноат ишлаб чиқариши ва бошқа хўжалик соҳаларида раҳбар лавозимларга кўтарилганларнинг кўпчилиги халқ ишончини оқладилар, ўз вазифаларини уддалай олдилар.

Республикани саноатлаштириш ишчилар синфининг сонининг кундан-кунга ортиши билан биргаликда олиб борилди. 1931 йилнинг ўзида марказдан кўчириб келтирилганлар 15.000 нафарни ташкил қилди. 1934 йилнинг ўзида Ўзбекистонга бошқа республикалардан 119 минг киши кўчиб келди, шундан 96 минг киши РСФСР фуқаролари эди[55]. Шиддат билан кўчирилиб келтирилиши натижасида уй-жой муаммолари ҳам юзага келди. Киши бошига ҳисобланганда бир одамга мўлжалланган уй-жой майдонининг ўртача ҳажми шиддат билан қисқариб борди: 1928/29 йилдаги 4,47 кв. м.дан 1939 йилда 2 кв. м.га тушиб қолди[56].

1930 йилдан совет давлатида “социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш даври” бошланди. Республикада саноат тармоқларининг кенгайиши натижасида миллий даромаднинг йилдан-йилга ошиб бориши ҳам яхшиланганлиги сабабли ишчиларнинг моддий ва маданий шароитларини бирмунча яхшиланишига имкониятлар пайдо бўлди. Ўзбекистон завод-корхоналарида ишчи кадрнинг ўртача ойлик маоши 1934 йилдаги 152 рубль 64 тийин бўлса, 1935 йилда 173 рубль 87 тийинни ташкил этган[57]. Ишчи кадрларга уй-жой қурилишлар сони ҳам жадаллашгани кўрина бошлади. Масалан, Тошкентда тўқимачилик комбинати ишчиларига 40 та кўп қаватли умумий майдони 41,2 минг метр кв.ни ташкил этган уйлар қурилиб, шаҳарда яшаш жой майдонлари 1937-1939 йилларда 246,4 минг метр кв.га ошди. Янги турар жойлар асосан РСФСРдан келган ишчилар, яъни “бошпанасиз” аҳолига берилган. Республикадаги маҳаллий аҳолининг бу пайтларда ярмидан кўпи ночор ҳолатдаги уй-жойларда истиқомат қиларди. Янги саноат шаҳарларда қурилаётган уйлар маҳаллий ишчилар ва хизматчиларга бепул берилмаган. Уйлар беришда чегирмалар қилинган ҳолатда қишлоқда яшаётган аҳоли пунктлари учун 50 фоиз, эски шаҳардаги аҳолилар учун 30 фоиз, янги шаҳардаги аҳолилар учун 20 фоиз маҳаллий ижроия кўмиталари томонидан белгиланган меъёрларда хонадонлар тўлови ундирилган[58].

Советларнинг “ўз кучимиз билан қисқа муддатда” шиори остида олиб борган саноатлаштириш сиёсати Ўзбекистон учун ғоят мураккаб кечди. Марказ ўз миссиясига мувофиқ республиканинг ер ости ва ер усти қазилма бойликлари, хом-ашё манбаларини талон-тарож қилиб, арзон ишчи кучидан фойдаланиб, ўлкадан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш ҳаракатида бўлди. Иккинчи 5 йиллик даври (1933-1937 йиллар)да ЎзССРда барпо

килинадиган саноат корхоналари маҳаллий шароит ва миллий манфаатларни эмас, балки тўлиқ марказ эҳтиёжларини ҳисобга олиб режалаштирилган эди. Масалан, Чирчиқдаги азотли ўғитлар заводи ва Тошкент тўқимачилик комбинатини барпо этишдан мақсад Ўрта Осиё минтақасида пахтачиликни ривожлантиришдан иборат бўлган. Совет давлатининг сиёсий раҳбарияти, халқ хўжалигини бошқаришда ўзлари йўл қўйган хато ва камчиликлар натижасида юзага келган йўқотишлар ўрнини маъмурий буйруқбозлик орқали мажбурлаш ва юқоридан ташкил қилинган “социалистик мусобақа”, “зарбдорлик”, “стахановчилик” ва бошқалар бир қатор ишчилар ҳаракатлари воситасида “омманинг инқилобий ғайрат шижоати”ни авж олдириш билан қоплашга интилди. Совет раҳбарияти халқ хўжалигини бошқаришдаги тизимли камчиликлар ва иқтисодий самарасизлик оқибатларини бартараф этиш ўрнига, асосан маъмурий-буюруқбозлик усуллари ва сунъий рағбатлантириш кампанияларига таянган. “Социалистик мусобақа”, “стахановчилик” ва “зарбдорлик” ҳаракатлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан кўра, кўпроқ сиёсий-идеологик мақсадларга хизмат қилган. Ушбу жараёнлар кенг тарғибот орқали қўллаб-қувватланиб, иқтисодий муаммоларни вақтинча яшириш ва навбатдаги саноат сакрашларини таъминлаш воситаси сифатида қўлланилган[59].

1940 йилга келиб республиканинг саноат потенциали 1445 та йирик ва ўрта саноат корхоналарини ҳамда 19 мингта майда корхоналарни ўз ичига олган. Ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқарадиган тармоқлар ўртасидаги нисбат жиддий равишда ўзгарди. Йирик саноат салмоғи 1940 йилда 32,8% га кўтарилди. 1940 йилга келиб республика халқ хўжалигида жами бўлиб 756 минг ишчи ва хизматчи ишлар эди[60]. 1925-1940 йиллар Ўзбекистон аҳолиси 37 фоизга кўпайган бўлса, европаликларнинг кўчиб келиш кўрсаткичи 62 фоизга ошди. Бироқ улар орасида маҳаллий миллат вакиллари озчиликни ташкил қилган. Саноатлашган ҳудудларда маҳаллий туб ерли ишчилар сони кўпайиш ўрнига қисқариб борган. 1938 йилгача ўлкага 650 минг киши юборилди[61]. Миллий ишчилар синфини шакллантириш соҳасидаги қадамлар қўйилаётган, уларнинг сони ортаётган бўлса ҳам фоиз ҳисобидан салмоғи камайиб борган. Бутун совет тузуми даврида олиб борилган кадрлар сиёсати совет давлатининг шовинистик мақсадлари билан боғланган бўлганлиги боис, собиқ иттифоқ даврида республика халқ хўжалигининг етакчи тармоқларида маҳаллий кадрларнинг салмоғи жуда паст бўлиб келди. Бу эса, мустабид совет тузумининг миллий республикалар маҳаллий хусусиятларини, ўзбек халқининг миллий манфаатларини инкор этувчи шовинистик сиёсатининг натижаси эди. 1926-1940 йилларда Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига кўпайди[62].

Республикани саноатлаштириш ишчилар синфининг шаклланиши ва улар сонининг кундан-кунга ортиши билан биргаликда олиб борилди. 1940 йилга келиб республика халқ хўжалигида жами бўлиб, 756 минг ишчи ва хизматчи ишлар эди[63]. Маҳаллий аҳоли вакилларида кадрлар тайёрлаш мумкин бўлган янги корхоналарда сустроқ ёндашилган. Масалан, 1940 йилда Бухоро тикувчилик фабрикасида 143 киши меҳнат қилган бўлса, шундан 95 нафари маҳаллий миллий кадрлар бўлган. Маҳаллий миллий кадрлар тайёрлаш билан жиддий шуғулланишлари кераклиги халқ комиссарлиги ва ташкилот ходимларига буюрилган[64].

1940 йилда ЎзКП (б) Марказий комитетининг бўлиб ўтган пленуми барча партия ташкилотларидан саноатга раҳбарликни кескин суръатда кучайтиришни, корхоналар ишини тубдан яхшилашни талаб қилди. Шу сабабли партия ташкилотларига саноатнинг 1940 йилги халқ хўжалиги режасини бажариш учун курашга раҳбарлик қилиш мажбурияти юклатилди. Ҳар бир корхонада Стаханов ҳаракати ва унинг янги шакллари янада кенгайтиришни ташкил этиш, касблар ва амалиётни бирлаштириш ва етакчи ишчи кадрлар - стахановчиларнинг тажрибасини барча корхоналарга ўтказиш зарурлиги таъкидланган[65]. Чунки уруш кутилмаганда янги масалаларни майдонга чиқарди. Эндиги вазифа-большевикча раҳбарликнинг бутун санъатини ишга солиб, маҳаллий имкониятлардан тўла фойдаланишдан ва бу масалаларни тез хал қилишдан иборатдир. Иттифоқ ҳукумати ҳарбий хавфнинг олдини олиш учун бутун кучни сафарбар этиб, барча иш кучи ва иш кунидан тўлиқ фойдаланган ҳолда саноатнинг ҳарбий вазиятга мослаштиришга тайёргарлик кўриш вазифаси кун тартибига қўйди. Завод ва фабрикаларимизда зарур бўлган чоғларда 2-3 сменада қолиб, сурункали ишлаш, шошилиш топшириқларни вақтида бажариши билан бирга бир нечта вазифани ишчилар бир вақтда бажарди. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати уруш йилларида ҳам қўпайиб борди. Йил давомида амалга татбиқ қилинган 872 таклиф 1.321.000 сўмни тежашга имкон берган [66].

Шу билан бирга, халқ комиссарлиги тизимида бор-йўғи 7 минг киши ишлаётганлиги, олий маълумотли 700 га яқин кадр бошқа лавозимларида ишлаётганлиги, кадрлар саводхонлиги етарли даражада эмаслиги, ярим саводли ва саводсиз ҳолатда эканлиги айтилган[67]. Бўш иш ўринлари Ўзбекистонга эвакуация қилинган ходимлар ҳисобидан ҳам тўлдирилди. Эвакуация жараёнида Ўзбекистонга 5609 темир йўлчи ва алоқа соҳаси ходими келди. Транспорт ва алоқа органларида уруш ногиронларини ишга жойлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилди. Жами 1028 киши ишга жойлаштирилди, шулардан 675 киши

алоқа органларида иш бошлади[68]. СССР Олий Советининг 1940 йил 26 июндаги меҳнат интизомини яхшилашга бағишланган фармонига мувофиқ ишга кечикиб келганлик учун жиноий жавобгарлик жорий қилинди[69]. Бу фармонни амалга ошириш шунга олиб келдики, миллий саноат қурилиши соҳасидаги минглаб ишчилар ва техник ходимлар турмаларга ташланиб, маҳбусларга айлантирилди.

Хулоса. Тадқиқот натижаларидан хулоса шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Совет Иттифоқи саноатлаштириш жараёнида муайян иқтисодий вазифаларни бажарган бўлса-да, амалда ҳам ашё етказиб берувчи ҳудуд сифатида шакллантирилди. Республика иқтисодий ривожининг устувор йўналишлари маҳаллий эҳтиёжлардан келиб чиқиб эмас, балки марказий ҳудудларнинг саноат манфаатларига мувофиқ белгилаб берилди. Оғир саноатни ривожлантириш сиёсати натижасида Ўзбекистон метрополияни рангли ва нодир металллар, стратегик ҳам ашё ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминловчи ресурс базасига айлантирилди. Бу жараёнда ўлканинг ички иқтисодий имкониятлари, инсон капитали ва аҳолининг ижтимоий-моддий манфаатлари етарлича ҳисобга олинмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зиядуллаев С., Монохин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. 25летию образования Узбекской ССР. –Ташкент: Госиздат. УЗССР,1949. – С.33.
2. Ўзбекистон МА, 89-фонд, 7-рўйхат, 1-йиғма жилд, 58-варақ.
3. Крильцов И.И. Правовое оформление новых республик Средней Азии. – Т.,1926. – С. 12.
4. Национально-государственное размежевание Средней Азии // «Туркестанская правда», 17 сентября 1924г.
5. Ўзбекистон МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 2199-йиғма жилд, 1-варақ.
6. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т.1. – С.254.
7. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 13 апрель, №87 (5067).
8. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 21-рўйхат, 836-иш, 102-варақ.
9. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и постановлениях съездов, второе, дополненное издание.- Ташкент: Узбекистан, 1968.- С. 99.
10. Виленский Е.Л. Ликвидация безработицы и аграрного перенаселения в Средней Азии и Казахстана. (1917-1932 гг.) – Алма ата: Наука, 1980. - С. 27.
11. ЎзР МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 261-йиғма жилд, 40-варақ.

12. Ўзбекистон МА, 89-фонд, 7-рўйхат, 1-йиғма жилд, 58-варақ.
13. Ўзбекистон МА, 89-фонд, 7-рўйхат, 1-йиғма жилд, 66-варақ.
14. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-рўйхат, 27-йиғма жилд, 4-варақ.
15. Ўзбекистон МА Р-737- фонд, 1-рўйхат, 227-йиғма жилд, 1-варақ
16. Два года работы правительства УзССР. 1925 -1926 -1926-1927. – Самарканд,1928. –С.64.
17. Два года работы правительства УзССР. 1925 -1926 -1926-1927. – Самарканд,1928. –С.64.
18. Р-737- фонд, 1-рўйхат, 227-йиғма жилд, 2-варақ
19. Стенографический отчет 2-го курултая Советов Узбекской ССР. – Ташкент: Узглавлит,1929. –С. 67.
20. Ўзбекистон МА, 89-фонд, 2-рўйхат, 1263-жилд, 6-варақ.
21. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-рўйхат,8-иш, 1-2-варақлар.
22. К социализму минуя капитализм. –М.: Политиздат, 1974. – С. 219.
23. Iymanova D.A. O‘zbekistonda “nomenklatura” tizimi milliy rahbar kadrlarga qo‘yilgan ijtimoiy, siyosiy talablar (1925-1941 yillar) // Sharq tarixi, siyosati va huquqi jurnali. – 2024. – Т. – В. 149.
24. Материалы к отчету правительства УзССР ЦИК Советов СССР. –Ташкент: 1927. С.12.
25. История рабочего класса Узбекистана. Т.1. – Ташкент: 1965. С. 112.
26. К социализму минуя капитализм. –М.: Политиздат, 1974. – С. 219.
27. Ўзбекистон ССР тарихи. 4-жилдлик. 3-жилд – Тошкент: Фан. 1971. 412-413-бетлар
28. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 34-иш, 296-варақ.
29. Ўзбекистон МА, Р-837-фонд, 15-рўйхат, 90-йиғма жилд, 71-варақ.
30. Икрамов Акмал. Избранные труды в трех томах. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1972. 350-бет.
31. Ўзбекистон МА, Р-837-фонд, 16-рўйхат, 87-иш. 28-варақ.
32. КПСС. Тўртинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашр. – Тошкент: Ўзбекистон. 1979. – 253 б.
33. Ўзбекистон МА, 89-фонд, 7-рўйхат, 1-йиғма жилд, 58-варақ.
34. Ўзбекистон МА, 89-фонд, 1-рўйхат, 1947-йиғма жилд, 38-39-варақлар.
35. Ўзбекистон МА, 737-фонд, 1-руйхат, 374-йиғма жилд, 27-варақ

36. ЎзР МА, 837-фонд, 12-рўйхат, 392-йиғма жилд, 10-13-варақлар.
37. Итоги Всесоюзной переписи 1959 г. Узбекская ССР. – С. 116-118.
38. “История СССР”, 1972. №4. – С.10-11.
39. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. 2-жилд, 293-бет.
40. Ўзбекистон МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5154-иш, 11-варақ.
41. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 14-рўйхат, 1242-йиғма жилд, 23-варақ.
42. Ўзбекистон МА, 737-фонд, 1-рўйхат, 253-йиғма жилд, 14-варақ.
43. Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933 йй). Монография. – Тошкент: “НАВРЎЗ”, 2019. - 123 бет.
44. Бурхонов Баходир Муродович Ўзбекистон халқ хўжалигини раҳбар ходимлар билан таъминлаш: тажриба ва сабоқлар (20-30 йиллар). – Тошкент: – 89 б.
45. Алимов И., Ражабов Қ. Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида (1925-1991 й.) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.12. Ўзбекистон Республикаси. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2006. – Б. 171.
46. Ўзбекистон МА Р 83-фонд, 3 –рўйхат, 116 а-йиғма жилд, 22-варақ.
47. История народного хозяйства Узбекистана. Т.І. – Т: 1962. С. 262.
48. Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. – М., 1989. С. 141.
49. Ўзбекистон МА, 737-фонд, 1-рўйхат, 511-йиғма жилд, 35-36-варақлар.
50. Совет Ўзбекистони ишчилар синфи тарихи И.М.Мўминов таҳрири остида. – Тошкент: Фаң, 1974. – 104 б.
51. Ўзбекистон МА, 737-фонд, 1-руйхат, 374-йиғма жилд, 27-варақ
52. Ўзбекистон МА, 736-фонд, 1-рўйхат, 1239-йиғма жилд, 68-варақ.
53. Ўзбекистон МА, 736-фонд, 1-рўйхат, 1239-йиғма жилд, 74-варақ.
54. Ўзбекистон МА, 736-фонд, 1-рўйхат, 1239-йиғма жилд, 78-варақ
55. Ўзбекистон МА, 609-фонд, 9-рўйхат, 113-иш, 99-варақ.
56. Ўзбекистон МА, 737-фонд, 1-рўйхат, 2216-йиғма жилд, 14,28-варақлар
57. ЎзР ПДА, 58-фонд, 218-рўйхат, 577-йиғма жилд, 10-варақ
58. Ўзбекистон МА, 737-фонд, 1-руйхат, 374-йиғма жилд, 38-варақ
59. Ўзбекистон МА, Р- 737-фонд, 1-руйхат, 374-йиғма жилд, 25-варақ
60. Азимов О. КПСС халқлари қардошлик оиласида совет Ўзбекистонининг социал иқтисодий-тараққиёти. – Самарқанд, 1985. – Б. 14.

61. Мельникова Т.С. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. – Т.: 1956. С.78.
62. Мулляджанов И.Р. и др. Население Узбекистана. –Т., 1973. С.113.
63. Азмов О. КПСС халқлари қардошлик оиласида совет Ўзбекистонининг социал-иқтисодий тараққиёти. – Самарқанд, 1985. –Б. 14.
64. Ўзбекистон МА, 837-фонд. 32-рўйхат, 2927-йиғма жилд, 46-варақ
65. Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 2200-йиғма жилд, 14-варақ
66. “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 25 декабрь №306 (5272)
67. Ўзбекистон МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 2927-йиғма жилд, 72-варақ.
68. ЎзР ПДА, 58-фонд, 19-рўйхат, 885-йиғма жилд, 46-варақ.
69. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.